

«Inno Week-2019» инновациялар форуми ва кўргазмасига талабалар ташрифи давом этмоқда

Аввал хабар берганимиздек, («Inno Week-2019» инновациялар форуми) «UZEXPOMARKAZ» миллий кўргазма мажмуасида InnoWeek.uz инновацион ғоялар ҳафталиги давом этмоқда. Бу кўргазмада маҳаллий ва хорижий тадқиқот ва инновацион марказлар, инвестиция фондлари, технология агентликлари, технопарклар ва бизнес-инкубаторларнинг вакиллари қаторида институтимиз профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари ўзларининг янги ишланмалари билан иштирок этмоқда.

Кўргазмада Илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинма бошлиғи М. Саримсақов институт олимлари ва иқтидорли талабалари томонидан ишлаб чиқилган янги инновацион ишланмаларни кўргазма иштирокчилари ва меҳмонларига тақдим этмоқда.

29 октябр куни Гидромелиорация факультетининг 3-босқич 7-8-9-10 гуруҳ талабалари доцент М.Саримсақов раҳбарлигида кўргазмада бўлиб, барча соҳа янгиликлари билан танишиб чиқишди.

Кўргазманинг асосий мақсади - янги маҳаллий ва хорижий технологияларни намойиш этиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва энг янги технологияларни алмашиш орқали мамлакат иқтисодиётига фойдали бўлган янги инвестиция имкониятларини жалб этиш бўлиб, кўргазма 31 октябр соат 16:00 га қадар давом этади.



Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими ходими Д.Акбаров
ахбороти
Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов